

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

ТОМ 6, НОМЕР 2

INNOVATIONS IN ECONOMY

VOLUME 6, ISSUE 2



# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

## ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ | INNOVATIONS IN ECONOMY

№2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2023-2>

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Гулямов Сайдахрар**  
**Саидахмедович**  
академик

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Вохидова Мехри Хасановна**  
иқтисодиёт фанлари бўйича  
фалсафа доктори

### ТАХРИРИЙ МАСЛАХАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

#### 08.00.01 - ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ | ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ | ECONOMIC THEORY

**Назаров Ш.Х.** - и.ф.д.  
**Гафуров У.В.** - и.ф.д., профессор  
**Мустафакулов Ш. И.** - и.ф.д., доцент  
**Сайфуллаева М.**  
**Маматкулов И.А.**

**Nanuli Khizanishvili** - Doctor of Economic Sciences, Tbilisi Iv. Javakhishvili State University. Faculty of Economics  
**Екатерина Геннадьевна Господарик** к.э.н., доцент, заведующая кафедрой аналитической экономики и эконометрики экономического факультета БГУ

#### 08.00.02-МАКРОИҚТИСОДИЁТ | МАКРОЭКОНОМИКА | MACROECONOMICS

**Салимов Б. Т.** - и.ф.д., профессор,  
**Назаров Ш. Х.** - и.ф.д.  
**Худойкулов С. К.** - и.ф.н. доцент,  
**Валиев Б.** - PhD.  
**Сафарова Н.Н.**

**Зубиташвили Тамар** - доктор туристических наук, Телавский государственный университет, Грузия

#### 08.00.07-МОЛИЯ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ. | ФИНАНСЫ. БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ FINANCE. ACCOUNTING

**Жиянова Н.Э.** - и.ф.н., доц.

#### 08.00.09-ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ | МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА | WORLD ECONOMY

**Мурадова Х.М.** - и.ф.д., профессор  
**Шарифхўжаев Ш.О.** - и.ф.д.

**Сардор Азам** - и.ф.д.  
**Вохидова М.Х.** - PhD.

#### 08.00.10-ДЕМОГРАФИЯ. МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ | ДЕМОГРАФИЯ. ЭКОНОМИКА ТРУДА DEMOGRAPHY. LABOR ECONOMICS. 08.00.13-МЕНЕЖМЕНТ | МЕНЕДЖМЕНТ | MANAGEMENT

**Гулямов С.С.** - академик  
**Умурзаков Б.Х.** - и.ф.д., профессор,  
**Каршиев М.Э.**

**Маматкулов И.**  
**Ғойипназаров С.Б.** - PhD  
**Кадилова З.А.** - PhD

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000


<b>1. Dusmatov Begmuhammad, Dusmatova Ma'mura</b> INCREASING THE COMPETITIVENESS OF AIC AND ITS RELATIONSHIP WITH INNOVATIVE DEVELOPMENT.....	4
<b>2. Saidov Farrukh</b> BASIS OF DEVELOPMENT OF DIGITAL PLATFORMS INFRASTRUCTURE.....	12
<b>3. Safarov Bakhodirkhan, Barrayeva Shahriniso</b> PILGRIMAGE TOURISM - TRAVELERS AND PILGRIMNS RELIGIOUS, HISTORICAL PLACES, PERSONS KNOWING THEIR WAY OF LIFE.....	17
<b>4. Dusanov Salim</b> THEORETICAL AND METHODOLOGICAL ASPECTS OF STUDYING THE EFFICIENCY OF FINANCIAL RESOURCES IN THE EDUCATIONAL SYSTEM IN THE CONDITIONS OF DIGITALIZATION OF THE ECONOMY.....	22
<b>5. Kholmuratova Shakhnoza</b> THE ESSENCE OF THE QUALITY OF EDUCATION IN ECONOMIC DIRECTIONS AND ITS EVALUATION INTERNATIONAL METHODS.....	29
<b>6. Mamatkulova Shoirra</b> THE ROLE OF THE SERVICE INDUSTRY AND NETWORKS IN LABOR MARKET DEVELOPMENT.....	36
<b>7. Norkulova Dilfuza, Jurakulov Khusen</b> IMPACT OF THE DEVELOPMENT OF ELECTRONIC TRADE ON THE ECONOMY OF OUR COUNTRY.....	41
<b>8. Khayitov Jamshid</b> THE ROLE OF IMPROVEMENT SERVICES IN REFORMING THE NATIONAL ECONOMY.....	46
<b>9. Babanazarova Sevara</b> INFLUENCE OF THE LEVEL OF COMPETENCE OF THE TEACHER ON THE DEVELOPMENT OF HUMAN CAPITAL.....	51
<b>10. Usmanova Sabokhat, Gulyamova Nigora</b> PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF INNOVATIVE ACTIVITIES OF THE PHARMACEUTICAL INDUSTRY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	56
<b>11. Julieva Yulduz</b> PROMISING DIRECTIONS DEVELOPMENT OF THE TOURISM SECTOR.....	64
<b>12. Sattarova Nargiza</b> QUALITY OF TRADING SERVICES, THE STATE OF ITS MATERIAL AND TECHNICAL BASE AND INFRASTRUCTURE IN CONTENT DEPENDENCIES.....	69
<b>13. To'raev Dilshod</b> WAYS TO REGULATE THE SECRET ECONOMY THROUGH TAXES.....	75

**Дусанов Салим Мамарасулович**

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси, мустақил тадқиқотчи,  
e-mail: msalimd@mail.ru

**ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА  
МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-  
УСЛУБИЙ ЖИХАТЛАРИ**

**For citation:** Dusanov Salim Mamarasulovich. THEORETICAL AND METHODOLOGICAL ASPECTS OF STUDYING THE EFFICIENCY OF FINANCIAL RESOURCES IN THE EDUCATIONAL SYSTEM IN THE CONDITIONS OF DIGITALIZATION OF THE ECONOMY. Journal of innovations in economy. 2023. Vol. 6, Issue 2. pp.22-28

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8165915>

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада олий таълим тизимида молиялаярвий ресурслар самарадорлиги ҳолати, муаммолари ҳамда унинг аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда молиявий ресурсларнинг аҳамияти ва уни тасарруф этиш юзасидан таҳлилий ёндашувлари ўрганилди. Жараённинг ўзига хос жиҳатлари бўйича назарий ёндошувлар эвалюцияси таҳлил қилиниб, мавжуд илмий ёндошувлар ва эришилган ютуқлар атрофлича кўрсатилди. Шу асосда илмий хулоса ва амалий таклифлар ўртага ташланди.

**Калит сўзлар:** Олий таълим тизими, молиялаштириш, молиявий ресурслар самарадорлиги, муаммолари ва прогнозлари, самарадорликка илмий ёндошувлар, таълим сифатини бошқариш, олий таълим муассасаларини самарали бошқариш.

**Dusanov Salim Mamarasulovich**

PhD, International Islamic Academy of Uzbekistan

**THEORETICAL AND METHODOLOGICAL ASPECTS OF STUDYING THE  
EFFICIENCY OF FINANCIAL RESOURCES IN THE EDUCATIONAL SYSTEM IN THE  
CONDITIONS OF DIGITALIZATION OF THE ECONOMY**

**ABSTRACT**

The article shows the state of efficiency of financial resources in the system of higher education, its problems and significance. Analytical approaches to the importance of financial resources and their use in improving the quality of education in higher educational institutions are studied. The evaluation of theoretical approaches on certain aspects of the process is analyzed, the existing scientific approaches and achievements are shown in detail. Based on this, a scientific conclusion and practical proposals were made.

**Key words:** Higher education system, financing, efficiency of financial resources, problems and forecasts, scientific approaches to efficiency, education quality management, effective management of a higher education institution.

Дусанов Салим Мамарасулович  
PhD, Международная исламская академия Узбекистана

## ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ

### АННОТАЦИЯ

В статье показано состояние эффективности финансовых ресурсов в системе высшего образования, ее проблемы и значение. Изучены аналитические подходы к значению финансовых ресурсов и их использованию в повышении качества образования в высших учебных заведениях. Проанализирована оценка теоретических подходов по отдельным аспектам процесса, подробно показаны существующие научные подходы и достижения. На основании этого были сделаны научный вывод и практические предложения.

**Ключевые слова:** Система высшего образования, финансирование, эффективность финансовых ресурсов, проблемы и прогнозы, научные подходы к эффективности, управление качеством образования, эффективное управление высшим учебным заведением.

### Кириш

Жаҳон иқтисодиётида халқаро ва миллий миқёсдаги рақобатнинг кучайиб бориши шароитида юқори замонавий билим ва кўникмаларга эга мутахассислар ёрдамида мазкур жараёнларда устунликка эришиш тобора кенг намоён бўлмоқда. Юксак сифатли мутахассисларни тайёрлаш тизими ўз навбатида олий таълим тизимининг сифати, хусусан, молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни талаб қилмоқда. “Аксарият мамлакатларда олий таълимни давлат томонидан молиялаштириш ҳажми тахминан ЯИМнинг 1,5 фоизини ташкил этади. Айрим мамлакатлар (Дания, Шветсия)да университетларни молиявий қўллаб-қувватлаш юқори фоизларни ташкил этади. Қатор мамлакатларда, жумладан, ГФР сингари, олий таълимга тўлов кўпроқ ҳолатдаги давлат томонидан ҳам резидентлар, ҳам хорижий фуқароларга стипендия кўринишида амалга оширилади” [1]. Глобал таълим маконига қўшилиш вазифасини қўйган мамлакатларда мазкур бозор соҳасининг муайян талабларига жавоб бериш ҳамда биринчи навбатда, бу таълим хизматлари сифатига қўйиладиган талабларга алоҳида эътибор қаратиш долзарб масалалардан ҳисобланмоқда.

Олий таълим тизимида кузатилаётган салбий тенденцияларга барҳам бериш, тизим фаолияти самарадорлигини ошириш муаммолари, шунингдек, олий таълим муассасаларини молиялаштириш манбаларини максимал даражада диверсификациялаш масалалари соҳа мутахассислари ҳамда олимлар диққат марказида турган долзарб тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳозирда ривожланган мамлакатларда узлуксиз таълим (life-long learning) тизимини шакллантириш дастурларини амалга ошириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу дастурлар доирасида таълим тизими, хусусан, олий таълим тизимини, ОТМни молиялаштириш механизмларининг оптимал ҳолда ишлаши муҳим аҳамият касб этади.

ОТМларнинг молиявий мустақиллиги чеклангани, илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ҳамда таълимга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун етарлича асос мавжуд эмаслиги боис моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва профессор-ўқитувчиларни қўшимча рағбатлантиришда муаммолар юзага келмоқда. Юқоридаги муаммолар шунингдек, давлат бюджетидан ҳам ортиқча маблағлар йўналтириш заруратини келтириб чиқармоқда. Бу омилларнинг барчаси ОТМларни ривожлантириш, модернизация

қилиш ва кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда малакали мутахассисларни жалб қилишга тўсиқ бўлмақда. Шу боис мазкур муаммолар ечимининг мақбул йўли — Олий таълим тизимини молиялаштириш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар (давлат, ижтимоий ташкилотлар, хомийлар ва ОТМлар)ни ва мавжуд молиявий ресурслар самарадорлигини оширишни тақозо қилмақда.

Тадқиқотимизнинг бу қисмида олий таълим тизимида молиявий ресурслар самарадорлиги масаласига алоҳида ёндошамиз. Тадқиқотимизнинг кейинги қисмида таълимнинг бошқа йўналишлари ва босқичларида молиявий ресурслар самарадорлиги масаласига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

### **Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

Олий таълим тизимида молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштириш тизимдаги мавжуд ҳолатни баҳолаш имкони яратилишини кўрсатмақда. Бу борада дастлаб ривожланган мамлакатларда тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, хусусан, хорижлик олимлардан Т.Малтус таълимни аҳоли сони кўпайиши қонунлари билан боғлайди, Ж.Айт ишлаб чиқариш омиллари унумдорлиги билан, Ж.Кулоч ишлаб чиқариш ва истеъмол назарияси орқали, Ж.Милл таълимни меҳнат тақсмотининг деструктив жараёни туфайли ишчиларнинг таназзулга давоси сифатида кўриб чиқади [2].

А.Смит, Д.Рикардо, А.Маршалл, Дж.Милл, Э.Хекшер, Б.Олин, Г.Хаберлер, Д.Салваторе, Ж.Вайнер, Ж.Тинберген, Б.Балаша, Ж.Мед, Л.Сфу, С.Фан, Л.Чжоу, В.М.Баутин, И.Н.Буздалов, А.Данкевич, Х.Жонсон, Р.Липсей [3] каби олимлар томонидан амалга оширилган изланишларда таълим тизимида молиявий ислохотлар, инсон капиталига таълимнинг таъсири, таълим иқтисодиётининг вужудга келиши, босқичлари ва хусусиятлари, шарт-шароитлари, ривожланиши, миллий иқтисодиёт учун самараси ва услубий жиҳатлари асослаб берилган.

Сўнги йилларда республикада бозор муносабатлари шароитида таълим хизматларини бошқариш, соҳада маркетинг тадқиқотлари каби йўналишларда муносиб илмий изланишлар олиб борган муаллифлар сифатида С.С.Ғуломов, Қ.Х.Абдурахмонов, Б.Ю.Ҳодиев, А.Ш.Бекмуродов, М.Х.Саидов, У.А.Бурханов, С.А.Абдуллаев, Р.Р.Хасанов, С.М.Бузрукхонов, А.В.Ваҳабов, Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров, Д.Ҳ.Набиев, О.О.Олимжонов, Д.Х.Пўлатов, С.Сафоев, Ш.Тошматов, М.Турсунходжаев, М.Қосимова, М.Нисритдинова, А.Расулов, З.Кўзиев, Д.Сагдуллаев, А.Маҳмудов, Х.Режапов, А.Шеров ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Хусусан, академик Қ.Х.Абдурахмонов Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришда таълим тизимини ислох қилиш ҳамда уни бошқариш юзасидан илмий хулосалар берган. Академик С.С.Ғуломов Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштириш орқали инсон капиталининг ўзига хос аҳамиятини тадқиқ этган ҳамда уни ривожлантиришнинг ўзбек моделига алоҳида эътибор қаратган. Профессор Ш.А.Тошматов ижтимоий соҳада бюджет харажатларини прогнозлашда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг хусусиятлари бўйича илмий-амалий хулосалар берган.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот олиб бориш давомида монографик таҳлил ҳамда эксперт ва тизимли таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигининг аҳамияти ва молиявий ресурслар самарадорлигини ошириш усуллариини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Жаҳон иқтисодиётида глобал рақобатнинг шароитида айти пайтда билим, инсон капитали ва инновацион ривожланиш билан боғлиқ илмий тадқиқотларга эътибор кучайиб бормоқда. Интеллектуал салоҳият ҳамда инновацион ресурсларга сармоя киритиш ҳажмини ошириш, илмий инновацияларни доимий равишда қўллаб-қувватлаш ва амалиётга самарали татбиқ этиш, иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида олий таълимни молиялаштиришни такомиллаштириш, олий таълим муассасалари молиявий мустақиллигини кенгайтириш,



бошқарув тизимларини оптималлаштириш ва ҳисобдорлигини ошириш орқали уларнинг даромад манбаларини диверсификация қилиш бу борадаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда таълим тизимини, айниқса, олий таълим муассасалари салоҳиятини янада ошириш, олиб борилаётган ислоҳотлар ва замон талабига тўлиқ жавоб берадиган олий таълим муассасаларини очиш, соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва таълим соҳасига замонавий ўқитиш методологиясини кенг жорий этиш, олий таълим даргоҳларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, таълим муассасаларини молиявий ўз-ўзини таъминлаш тизимига ўтказилмоқда. Бу борада “Кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизимини ишлаб чиқиш, ...мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020-йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50 – 60 фоизга етказиш” [4] вазифалари белгилаб берилди. Мазкур вазифаларни амалга ошириш олий таълим хизматлари ва меҳнат бозори ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришнинг назарий-амалий жиҳатларини тадқиқ этиш, ОТМларда бир нафар талабага ўртача тўғри келадиган харажат ва тўланаётган тўлов-контракт миқдорлари ўртасидаги салбий фарқ, илмий-тадқиқот ишлари натижаларини тижоратлаштиришдаги молиявий масалалар, мавжуд моддий-техника базасидан унумли фойдаланган ҳолда қўшимча фаолият турларини жорий этиш, олий таълим тизимига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш орқали молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, олий таълим учун харид қилинадиган товар-моддий қийматлар, хизматлар харидини эркинлаштириш сиёсатини такомиллаштириш, олий таълим муассасаларида тўлов-контракт ва бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағларининг ғазначилик орқали тартибга солиниши, бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағларни тасарруф этишда мустақилликни таъминлаш, бюджет маблағлари ҳисобидан ажратилаётган маблағларга қўлланиладиган тузатиш коэффитсиентларини такомиллаштириш борасида илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ–60-сон “2022–2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019-йил 8-октябрдаги ПФ–5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017-йил 20-апрелдаги ПҚ–2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018-йил 5-июндаги ПҚ–3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019-йил 11-июлдаги ПҚ–4391-сон “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 7-июндаги “Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 467-сонли қарори ва ушбу йўналишдаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади [5].

Иқтисодчи олимларнинг асарларида таълим тизимини молиялаштириш, молиявий ресурслар самарадорлиги, инсон капитали тушунчаси ва унинг методологияси ва устувор йўналишлари ишлаб чиқилган. Ўтган асрнинг 20-йилларида академик С.Г.Струмилин биринчилардан бўлиб ўз тадқиқотларида таълим омили туфайли миллий даромаднинг ўсишини ҳисоблаш таклифини берган, бу эса ўз навбатида таълимга йўналтирилган инвестицияларнинг самарадорлиги тўғрисида гапиришга имкон беради [6].

Сўнгги йилларда олий таълим сифати, унда мавжуд молиявий ресурслар самарадорлиги муаммоси жуда жадал равишда ривожланмоқда, чунки бу меҳнат бозори салоҳиятини оширишнинг асосий манбаларидан бири сифатида иқтисодиётни ва таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнига боғлиқдир. Таълим самарадорлигининг услубий ёндашувлари бўйича россиялик иқтисодчи олимлардан В.Антропов, А.Дайновский, В.Жамин,

В.Зуев, С.Костянян, В.Клочков, Е.Липкина ва америкалик иқтисодчи олимлар Э.Денисон, Ф.Шулс ва бошқаларнинг ишларида тўхталиб ўтилган [7,8].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ўрганилаётган муаммо юзасидан чоп этилган илмий тадқиқотлар, бажарилган докторлик ва номзодлик диссертациялари, асосан, менежмент ва маркетинг ихтисослиги бўйича бўлиб, мавзунинг назарий-услубий жиҳатлари умумлаштирилган ва ривожланиш қонуниятлари таҳлил қилинган илмий ишлар деярли йўқ. Натижада олий таълим тизими ва ундаги молиявий ресурсларнинг самарадорлигини оширишнинг назарий жиҳатлари тадқиқ этилиши, уни диверсификациялаш, соҳада рақобат муҳити шарт-шароитларини янада кучайтириш, самарадорлигини аниқлашнинг илмий-услубий жиҳатларини ўрганиш масалалари долзарблигича қолмоқда. Айниқса, масалага миллий иқтисодиёт нуқтайи назаридан, талаба ва аҳоли кенг қатламлари ҳамда минтақавий нуқтайи назаридан замонавий фундаментал-инновацион характердаги иқтисодий тадқиқотларни ташкил этишгача бўлган узлуксиз олий таълим тизими сифатида ёндашув амалга оширилмаган.

Бир қатор тадқиқотларда олий таълим муассасалари молиявий бошқарувига минтақавий иқтисодиёт ва тармоқ иқтисодиёти нуқтайи назаридан ёндашилган бўлиб, миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида олий таълим муассасаларининг маълум йўналишдаги молиявий ресурсларининг самарадорлиги таъсирлари, молиявий амалиётлар кўринишлари ва йўналишлари кўриб чиқилган, холос. Мазкур ишларда олий таълим тизимининг молиявий ресурслари мазмуни, вужудга келиш шароитлар, молиявий тузилиши асосланган. Шу билан бирга, иқтисодиётдаги инновацион ёндашув шароитида олий таълим тизимида молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштирилиши ҳамда назарий жиҳатдан янада кенгроқ ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотларимиз натижасида Олий таълим тизимида молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича турли хил назарий ва методологик ёндашувларнинг илмий таснифи ишлаб чиқилди. Буни қуйидаги жадвалда батафсил келтириб ўтганмиз.

#### 1-жадвал

### Олий таълим тизимида молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш оид ёндашувлар

№	Муаллифи	Ёндашувнинг моҳияти
1	С.Струмилин, В.Жамин	Олий таълим самарадорлигини ўрганишда унинг миллий иқтисодий самарадорликка таъсири алоҳида эътиборга олинган
2	Н.Жилсов, С.Костян, В.О.Рукавишников	Олий таълим иқтисодий самарадорлиги ички ва ташқи самарадорликка ажратилган ҳолда ўрганилган
3	А.Нейл	Асосий мезон сифатида талабага бериладиган билим ҳажми, ҳар бир талабага йилига маълум миқдордаги ўқув фанларини ўзлаштиришга сарфланган вақт билан белгиланишини ва бу ҳажм стандарт меъёрий соатлар билан ўлчанишини тақлиф қилган
4	А.И.Субетто	Ушбу назарияда олий таълим самарадорлигини миллий даромаднинг ўсишига мутаносиб равишда белгиланган улўш орқали аниқлаш тақлиф қилинган
5	Эдвард Ф.Денисон	ОТМни молиялаштириш самарадорлигини баҳолашда корреляцион ёндашувдан фойдаланган ва таълимнинг ишчи кучи сифатида намоён бўлган иқтисодий аҳамияти ғоясини илгари сурган
6	В.Антропова, А.Галагана, В.Зуева, В.Кинелева	Олий таълим тизими самарадорлиги масаласига макро (миллий) даражадан ташқари минтақа нуқтайи назаридан ҳам ёндашилган



7	Т.Шултз, Г.Беккер, Ҳ.Бовен, М.Блауг, Ж.Минкер, С.Полачек	Олий таълимнинг ўрни ва ҳиссаси инсон капитали назарияси доирасида ўрганилган
8	Р.Пукас, Н.Манкив, Д.Домер, Д.Веил, Ж.Бенҳабиб, М.Спигел	Инсон капиталини иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омил сифатида баҳолаб, эмпирик тадқиқот асосида макроиқтисодий моделлардан фойдаланган
9	Ж.Йўлдошев, А.Шеров, Д.Раҳмонов, А.Пўлатов, Е.Виетсма	Олий таълимни молиялаштиришда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва бу борада хориж тажрибасини ўрганиш таклиф этилган
10	Ш.Расулов, Н.Шамшиева, А.Маҳмудов, С.Бузрукхонов	Олий таълимни молиялаштиришда давлат ва хусусий сектор шериклиги масалаларига урғу берилган
11	Бизнинг ёндашувимиз	ОТМдаги молиявий ресурслар самарадорлиги – эришилган натижаларни (масалан, ЯИМнинг ўсиши) сарфланган харажатлар билан қиёслаш орқали баҳолаш таклиф қилинган

Юқоридаги қарашларга умуман қўшимча ҳолда шу билан бирга ўзимизнинг танқидий мулоҳазаларимизни ҳам айтиб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Тўғри, сўнги йилларда олий таълим тизимида олиб борилган ислоҳатлар натижасида олий ўқув юртлари сонининг ортиши, вилоятларда филиалларнинг очилиши каби ҳолатлар масалани минтақавий нуқтаи назардан ҳам тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда.

Бизнинг фикримиз, Талабалар томонидан олий таълимда ўқиш давомида ўзлаштирган билим ва кўникмаларини амалиётга қўллаш ҳисобига миллий даромаднинг ошиши ва 1 нафар талабани ўқитиш харажатлари ўртасидаги фарқ олий таълим самарадорлигининг кўрсаткичидир. Масалан: 2021 йилда Республикамизда ЯИМнинг ўсиши 7,3%ни, 1 нафар талабанинг ўқиш харажати 12,3% ошган.

Юқоридагиларга қўшимча қилган ҳолда ОТМларда молиявий ресурслар самарадорлигини ҳисоблаш учун қуйидаги муаллифлик формуласини таклиф қилишимиз мумкин.

	22
$MRS = \frac{\sum \Delta \text{cost } st / (1+r)^{t-17}}{ЯИМ} * 100\%$	
	T-17

(1)

**Бунда:**

**MRS**—молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги

**cost st**— ўқув даврида 1 нафар талабага қилинган харажатлар (4 йил-17 ёшдан 22 ёшгача)

**r**—қайта молиялаштириш ставкаси

**ЯИМ**—ялпи ички маҳсулот ўсиш кўрсаткичи

Шу билан бирга олий таълим муассасаларининг молиявий ресурсларини ўрганишда асосий эътибор нафақат унинг шаклланишига, балки унинг самарадорлигига қаратилиши зарур. Чунки жамият миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар марказида олий таълим муассасалари, таълим иқтисодиёти, хусусан, мамлакатнинг ҳар томонлама ривожланишига катта ҳисса қўшадиган олий маълумотли интеллектуал кадрлар тайёрлаш сиёсати ётади.

### Хулоса ва таклифлар

Олий таълим самарадорлигини аниқлаш ва баҳолашга назарий ва услубий ёндашувларни умумлаштирган ҳолда, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин.

1. Олий таълим тизимига йўналтирилаётган молиявий ресурсларнинг самарадорлиги борасида чуқур назарий-илмий, услубий йўналишларнинг ривожлантирилиши ҳамда олий таълимнинг оммавийлашувини таъминлаш, аҳоли кенг қатламларининг бу таълим хизматларидан фойдаланишларига кенг шароит яратиш муҳим.

2. Молиявий ресурслардан фойдаланишни такомиллаштириш ва сифат даражасини ошириш мақсадида дунёдаги энг илғор мамлакатлар билан тажриба алмашиш, глобал таълим жараёнларида фаол иштирок этиш, ўқитувчи ва талабалар олдида турган сунъий тўсиқларни бартараф этиш ҳамда Болония жараёнига қўшилиш бўйича ишларни охирига етказиш лозим.

3. Жаҳон тажрибасида кенг эътироф этилган англосаксон таълим тизимининг прагматик жиҳатларини сингдириб бориш, мустақил таълим олиш имкониятларини кенгайтириб боришга эришиш зарур.

4. Олий таълим тизимида молиявий ресурслар самарадорлиги тизимдаги бозор иқтисодиёти шароитида турли хил мутахассисларни тайёрлаш натижасида олинadиган фойда ва харажатларнинг тўғри пропорцияси (нисбати) сифатида аниқланиши мумкин.

### Иқтибослар/Сноски/References

1. Овчинникова О.П., Овчинникова Н.Э. Финансирование высшего образования в развитых странах и России: анализ современных тенденций // Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях. 6 (2018). – С.37. - <http://buh-izdat.ru/journals/accounting-in-budgetary/>
2. Ключков В. В. Экономика образования: иллюзии и факты. М.: Мысль, 1985. 176 с. Маршалл А. Принципы экономической науки. –М.: Прогресс, 1993. с. 267., Salvatore D. International Economics. –London: Prentice - Hall, 2004. p. 840.
3. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, 1962. с. 332., Рикардо Д. Начало политической экономии и налогового обложения. –М.: Прогресс, 1993. с. 292.,
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. /Халқ сўзи, 2020 йил, 25 январь. -3 б.
5. [www.lex.uz](https://lex.uz/docs/5841063) миллий қонунчилик базаси. <https://lex.uz/docs/5841063>.
6. Струмилин С.Г. Методология оценки и повышения эффективности государственной системы высшего профессионального образования: Автореф. дис. докт.экон. наук (08.00.05). — СПб., 2002. — 41 с.
7. Якушева К.В. Методические рекомендации по расчету нормативов бюджетного финансирования образовательных учреждений. — М.: Новая школа, 1995. —64 с, Система финансирования образования: анализ эффективности / Под ред. С.А. Белякова. — М.: Технопечать, 2003. — 182 с.
8. Воссенштейн Х. Финансовое напряжение: тенденции финансирования высшего образования и политический курс в ситуации ограниченных средств // Университетское управление: практика и анализ. 2003. № 3(26). – С. 51-60.

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

ТОМ 6, НОМЕР 2

INNOVATIONS IN ECONOMY

VOLUME 6, ISSUE 2

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

ООО Тадқиқот город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000